Ушбу сонда:
2 ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ
3 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР
4 КУРАШИМИЗ НУФУЗИ ОРТМОҚДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 27 июн, чоршанба №98 (1112)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Барчангизни касб байрамингиз - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз журналист деганда, аввало, ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида деб биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида касб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган қатъиятли инсонларни тасаввур қиламиз.

Шу билан бирга, фаолияти ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайдиган заҳматкаш ва камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот воситаларининг ишчи-хизматчиларини кўз олдимизга келтирамиз.

Бугун янги ҳаётни босқичма-босқич қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлса, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз эришган ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, фахру ғурур қилишга арзийдиган ўзгаришларда сиз - жонкуяр журналистларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бизнинг орзу-мақсадларимиз, интилишларимиз барчага аён: халқимизнинг эркин, фаровон ҳаётига кафолат берадиган, инсон ҳуқуқларини устувор қадрият сифатида эътироф этадиган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишдир.

Матбуот саҳифалари, радио-телевидение тўлқинлари орқали жамоатчиликни ана шу мақсадлар сари даъват қилар эканмиз, бунга эришиш учун қанча-қанча оғир муаммоларни ечиш ва эски тузум асоратларини енгиб ўтиш лозимлигини, бундай вазифа ўз ҳаётини матбуот билан боғлаган журналист аҳли зиммасига нақадар мураккаб масъулият юклашини барчамиз яхши тушуниб олишимиз зарур.

Журналистнинг нони нечоғли қаттиқ эканини тасаввур этиш учун одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва адолат ҳукмрон бўлишига эришишда, ҳаётда учраб турадиган нопоклик, тўрачилик, маҳаллийчилик каби иллатларга қарши курашда матбуот ходимларининг ўз халоватидан воз кечиб, ҳатто тақдирини хавф остига қўйиш ҳолатларини кўз ўнгимиздан ўтказишимиз мумкин.

Шу боис ҳам ўткир қалами ва маҳорати билан жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳақиқий журналист меҳнатини ўз ҳаётини халқ бахти ва фаровонлиги учун, унинг оғирини енгил қилиш учун курашга бағишлаган фидойи инсонлар меҳнати билан қиёслаш тўғри бўлади.

Бугун биз янги ҳаёт, демократик қадриятлар сари қадам қўяр эканмиз, ҳаётнинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган баъзи муносабатларни тубдан ўзгартиришга, янгича фикрлашга даъват этаётганини англаб олишимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун замон биз ўрганиб, одатланиб қолган, оёғимизга кишан бўлиб турган айрим ёндашув ва қарашлардан воз кечишни талаб қилмоқда.

Ҳозирги пайтда кундалик ишларни, янгилик ва ўзгаришларни акс эттиришда, турли мансабдор шахсларнинг фаолиятини ёритишда матбуот, радио-телевидениеда кўпроқ баландпарвоз оҳанглар устунлик қилаётганини, воқеа-ҳодисаларни ўз номи билан аташдан тортиниш ҳолатлари, йўл қўйилаётган қонунбузарлик ва камчиликларни хаспўшлаш, қисқача айтганда, бирёқлама қарашлар мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин.

Албатта, ютуқлар тўғрисида ёзиш керак, кенг жамоатчиликни мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларидан атрофлича хабардор қилиш зарур. Бундай ибратли мисоллар ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши ҳам шубҳасиз.

Лекин, агар биз олдимизга қўйган мақсад-марраларга тезроқ етмоқчи бўлсак, ўзимиз қураётган адолатли, эркин ва фаровон ҳаётни тезроқ кўрмоқчи бўлсак, аввало, шу мақсадга эришиш, ҳаётимизда демократик тушунчаларни қарор топтириш учун бел боғлаган инсонлардан ўз бурчини, зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этиш талаб қилинади. Шу жумладан, жамиятимизнинг барча бўғинларида хизмат қилаётган раҳбарлар ва мутасадди ходимлардан ўз ишини виждонан бажариш, журналист аҳлидан эса уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан, айни вақтда холисона қараш, рўй бераётган камчилик ва нуқсонларни очиб бериш талаб этилади.

Бундай позиция, бундай ёндашишни улар учун нафақат касб тақозоси, балки фуқаролик бурчи деб билиш керак.

Такрор айтаман: ҳокимият ўз ишини, матбуот ўз ишини виждонан ва холисона адо этиши лозим. Мана шундай, таъбир жоиз бўлса, меҳнат тақсимоти юксак мақсадларга эришишимиз йўлида биз учун ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман.

Бу ишда бир-бирини тўғри тушуниш, беғараз танқидни вазмнлик ва босиқлик билан қабул қилиш айниқса муҳимдир. Жиззакилик, аламзадаликка берилиш, бир-биридан ўч олишга уриниш каби бизнинг ишимизга ҳалақит берадиган нохуш ҳолатларга мутлақо йўл қўймаслик лозим.

Журналистлар ҳам шуни унутмаслиги зарурки, эркин фикр билдиришда албатта маҳорат керак, албатта масъулият керак ва албатта халқимизга хос одоб-андишани йўқотмаслик керак.

Табиийки, бундай босқичларга етиш учун, бундай муҳит ҳаётий кўникмага, тафаккуримизнинг узвий бир қисмига айланиши учун журналистларимизнинг ўз билим ва малакасини муттасил ошириб бориши, муайян соҳага ихтисослашиши ҳам катта аҳамият касб этади.

Шундагина матбуотнинг ҳаққоний, ҳароратли сўзи ҳар бир юртдошимиз юрагида акс садо беради ва у халқимизнинг чинакам маънавий ҳамроҳига айланади.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар, оилавий бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БАҒРИ КЕНГ ЎЗБЕГИМ

Хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, тадбиркорликка кенг йўл очиш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тумандагиларнинг бош мақсадларидан бирига айланган. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида кимошди савдоси орқали 37 та объект ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Эндиликда ана шу корхоналарнинг барчаси тўла қувват билан ишга туширилиб, ахолининг бир қисми, айниқса ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга имкон яратилди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Оддий қишлоқ одамларининг бугунги бунёдкорлик ишларини, юрт равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларини кўриб, гоҳо ўйланиб қоласан киши. Ахир, бундан ўн бир йил муқаддам ҳам халқимиз кайфияти, руҳияти шундай эдими? Тадбиркорлик деган тушунчалар қаерда эди, дея ўзўзингга савол бергинг келади. Юрт истиқлоли, мустақиллик халқимизга ана шундай улуғ неъматларни инъом этди. Айни пайтда туманда кичик ва ўрта бизнес — унинг моҳияти бу ердаги ҳар бир кишининг шууридан кенг жой олган. Шу кунгача жами 665 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, улар ҳар бирининг келажакда кўзлаган режалари бисёр. Шу билан бирга, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар фақат тумандагина эмас, балки вилоят ва республикада, қолаверса, қўшни давлатлар бозорларида ҳам аллақачон ўз харидорларини топган.

«Келажагимиз — мактабда!», «Болалар — юртнинг таянчи!» бу каби қизил шиорлар, чақириқларни илгарилари кўп эшитардик. Аммо амалда бу сўзлар бизни алдаш учун экан. Истиқлолнинг илк кунларидан Юртбошимизнинг биринчи Фармонларидан бири таълимга, мактабга қаратилганини эсланг! Мана, шунга ҳам ўн йил бўлаяпти. Бу унчалик узоқ муддат эмас. Аммо ўйлаб қаралса, ўша Фармон шарофати ила халқ таълими тизимида рўёбга чиқарилган ишлар силсиласи асрларга татигуликдир.

Воҳанинг бир бўлаги бўлган Боғотда ҳам таълим ва ёшлар равнақи йўлида бир қанча ишлар қилинди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Миллий дастур йўриқлари .асосида ўнлаб ўқув даргоҳлари қайта жиҳозланиб, компьютерлаштирилди. Ўқувчиларнинг ўзи қизиққан соҳасига қараб касб танлашига ва билимини мустаҳкамлашига имкон яратилди. Ана шу мақсадда бу ерда ҳам коллеж ва лицейлар замон талабига мослаштирилди. Ёшларнинг касб-корли бўлиши доимий назоратда. Мақсад — ана шу ўқув юртларини тугатган ёш мутахассисларни иш билан таъминлашдир.

Чунончи, ўтган ўқув йилида 1609 нафар ўғил-қиз ўрта мактабни битирган бўлса, шундан 165 нафари корхоналар талабига кўра, ҳунар масканларига йўналтирилди. Жорий йил битирувчиларидан эса қобилиятига қараб яна 400 нафар ўғил-қиз касбга йўналтирилиши режалаштирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам таъминланган табақалари, пенсионер, ногиронлар ва якка-ёлғиз яшовчи қарияларни ижтимоий ҳимоялаш тумандаги барча мутасаддиларнинг доимий эътиборида. Айни пайтда 12219 нафар пенсия ва нафақа олувчилар, шулардан боқувчисини йўқотганлик, 850 нафар 16 ёшгача болаликдан ногирон ва меҳнат стажига эга бўлмаган ижтимоий нафақа олувчилар қайд этилган. 420 нафар тадбиркор ногирон, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларни ўз оталиғига олганлиги халқимизнинг нақадар бағри кенглигидан, бир-бирига меҳр-оқибатлилигидан далолатдир. «Наврўз», «Хотира ва Қадрлаш куни», «Халқаро ногиронлар куни» ва бошқа байрамларда уларнинг ҳар биридан хонадонма-хонадон юриб хабар олиниши, совға-саломлар уланиши одат тусига кирган.

Айтиш лозимки, барча соҳаларда дилларга завқ ва шавқ бағишловчи дадил одимларнинг гувоҳи бўласиз. Одамлар маънавиятида ҳам, дунёқараши-ю, келажакка интилишида, руҳияти ва кайфиятида ҳам ягона мақсад мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ватанни ҳалол меҳнат ила улуғлашдир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Тошкент шаҳар 21-сонли Меҳрибонлик уйида «Меҳржон» васийлик кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бокс федерацияси ҳамкорлигида хайрия тадбири ўтказилди.

«МЕҲРЖОН»НИНГ ИНЪОМИ

— Ушбу тадбир Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг мактабларга, болалар боғчаларига, меҳрибонлик уйларига ҳар томонлама ёрдам бериш тўғрисидаги даъватига жавобан ўтказилмоқда, - деди «Меҳржон» васийлик кенгаши аъзоси Михаил Горнштейн «Туркистон-пресс» мухбирига. — Маросим болалар ёдида қолиши учун жуда кўп ишларни амалга оширдик. Тадбирга республикамизнинг дунёга машҳур боксчилари-олимпиада ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, икки карра жаҳон чемпиони Руслан Чагаевлар таклиф этилганлар.

Меҳрибонлик уйига ёрдам фақат бокс анжомлари топшириш билан чекланиб қолмади. Анжомлар топширилиши арафасида васийлик кенгаши меҳрибонлик уйининг спорт залини тўлиқ таъмирлаб, жиҳозлаб берди. Маросим давомида машҳур спортчилар раҳбарлигида болалар ўртасида акробатика, гимнастика, бокс, каратэ, у-шу каби спорт турлари бўйича чиқишлар ўтказилди ҳамда таниқли хонандалар концерт дастурларини намойиш қилдилар.

— Бундай тадбирлар мамлакатимизда спортнинг гуркираб ривожланиши, янгидан-янги жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади, - деди М.Горнштейн.

ТОШКЕНТДА «SOS-БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ» ОЧИЛДИ

Тошкентда илк «SOS-Болалар маҳалласи»нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова очди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳномолигида ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этиш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар таҳсинга лойиқ. Янги асрнинг биринчи йили Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши ва айни шу йили «SOS-Болалар маҳалласи»нинг очилгани катта воқеадир. Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий соҳада кўплаб хайрли ишларни амалга ошираётгани ва бу жаҳон ҳамжамияти томонидан катта хайрихоҳлик билан кутиб олинаётганини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, тадбирда муҳим бир янгилик эълон қилинди. «Ўзбекистон SOS-Болалар маҳаллалари» уюшмасининг ташкил қилиниши, илк маҳалланинг қурилиб, фаолиятга киритилишида катта жонбозлик кўрсатган Татьяна Каримова мазкур уюшманинг фахрий президенти этиб сайланди.

«SOS-Болалар маҳалласи»нинг қурилиши 2000 йилнинг январида бошланган эди. Қурилиш муддатидан анча илгари, ўша йилнинг октябрида тугатилди. Маҳалла барпо бўлиши учун жами 3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Қурилиш, зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар таъминотини «SOS-Киндердорф интернационал» халқаро хайрия ташкилоти ўз зиммасига олди.

«SOS-Киндердорф интернационал» носиёсий хайрия ташкилоти бўлиб, юздан зиёд мамлакатда фаолият кўрсатади. Илк болалар маҳалласи 1949 йили Австриянинг Имст шаҳрида барпо этилган. Унинг асосчиси австриялик Герман Гмайнер эди.

Ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти 1998 йилда бошланди. Ўша йили мамлакатимизда «Ўзбекистон SOS-Болалар маҳаллалари» уюшмаси ташкил этилди ва кўп ўтмай, Австриянинг Инсбурк шаҳрида бўлиб ўтган Бош Ассамблея йиғилишида ташкилот таркибига қабул қилинди.

«SOS-Болалар маҳалласи» пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Ҳозирча мамлакатимизда ягона бўлмиш бу маскан 14 оилавий коттеждан иборат. Улар энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Маҳаллада болаларнинг соғлом униб-ўсиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит мавжуд: болалар боғчаси, меҳмонхона, устахона, спорт майдончалари, энг замонавий алоқа тизими. Айни пайтда бу ерда махсус танлов асосида саралаб олинган 14 нафар тарбиячи ва 60 нафар бола истиқомат қилмоқда. Тарбиячилик учун танлов барча вилоятларда ўтказилди. Синовдан ўтганлар бола тарбияси бўйича махсус ўқув курсини ўтади.

Болалар Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан саралаб олинган. Танлов меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, етти ёшга тўлмаган болалар орасида ўтказилди. Болаларнинг янги шароитга кўникишини осонлаштириш учун маҳалладаги ҳар бир рамзий оилага икки-уч нафардан бола жойлаштирилди. Кейинги икки-уч йил ичида уларнинг сони ўнтагача етказилади.

Албатта, «SOS-Киндердорф интернационал» халқаро хайрия ташкилотининг Ўзбекистондаги фаолияти фақат Тошкент билан чекланиб қолмайди. Маросимда сўзга чиққан Гельмут Катин, мазкур ташкилот президенти, айни пайтда Самарқандда ҳам худди шундай маҳалла қуриш режалаштирилаётганини маълум қилди.

Бобур СОБИРОВ (ЎзА).

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

УСТЮРТДА ГАЗ ФАВВОРАСИ

Беповён Устюрт саҳросида қазилма бойлик излаётган геологларни кутилмаган ҳодиса шошириб қўйди. Гап шундаки, Бердах мавзесидаги 4-қудуқни қазиётган Устюрт разведка-бурғулаш бошқармаси геологлари бурғуси 2 минг 552 метрга етганида кучли газ фавворасига дуч келди. Бу, албатта, бу ерда меҳнат қилаётган Р.Толипов ва Ж.Алдаёров раҳбарлигидаги гуруҳни ҳам шоширди, ҳам қувонтирди.

Айни пайтда Устюрт кенгликларида йигирмадан ортиқ қудуқлар қазилиб, нефт ва газ изланмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, уларнинг барчаси истиқболлидир.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ - МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Германияда якунланган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ХХ Олимпия регатасида ғалабага эришиш осон бўлмади, чунки 30 мамлакат вакиллари бу ном учун кураш олиб борди.

Шундай бўлса-да ўзбекистонлик Антон Ряхов якка байдаркада икки марта ғолибликни қўлга киритди. У 200 метр ва 500 метр масофада олтин медалларга сазовор бўлди.

Қизларимиз Юлия Борзова ва Антонина Москалева кумуш медаллар билан қайтишди. Улар жуфт байдарка пойгаларида иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Юлия эса якка байдаркада 200 метр масофага эшкак эшишда ҳам ўз кучини синаб кўрди ва тўртинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА).

БУГУН – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЎЗ АЙТАР СЎЗИНГ БЎЛСИН!

Ишимиз қизиқ: бир текис йўртиб бораётган отга қамчи на ҳожат деганларидек бизни баъзан осойишта ҳаёт ўз домига олади, баъзан эса бош қашишга фурсат тополмаймиз. Эшик очилиб, пойгакда хушбичимгина йигит кўринганда иш тиғиз, эртанги газета ташвиши ила банд эдим.

— Сиз Маҳбуба опамисиз?

— Ҳа.

— Балки ишим сиз билан битар.

Йигитни биринчи марта кўриб турганим учун ҳайратим ортди.

— Нима масалада келган эдингиз, — сўрадим ундан.

— Шу десангиз...

Маълум бўлишича, у ўқиш жойидан бизга амалиётни ўташга юборилган экану, ўз таъбири билан айтганда, бир кўриниб кетишнинг ҳеч иложини тополмабди. Лекин ўқиш ўқиш-да, домлалар маълумотномани сўраб қўймаётган эмиш....

Беихтиёр таҳририятда ишни дастёрлик (курьер)дан бошлаган кезларим ёдимга тушиб кетди. Қанчалар севингандим ўшанда. Бу йигит эса бир кун ҳам қорасини кўрсатмай, амалиётни юқори савияда ўтказди, деб тавсифнома олмоқчи. Хатто ҳижолат тортиб қизармайди ҳам-а...

Бошқа соҳаларда билмадиму, аммо журналистикада алдамқалдам кетмайди. Ҳар кимнинг ўз айтадиган сўзи бўлмаса қийин. Ҳар қанча хотамтой устоз ҳам бир умр шогирднинг қуруқ аравасини тўлдириб юришга рози бўлмайди. Касбимизни чи-

даганга чиқарганлар касби, деб бежиз айтишмайди.

Сўзнинг таъсир кучи беқиёс. У ихчам ва жойида қўлланмоғи даркор. Қайтариқ тавсифлар, ҳар қанча жимжимадор бўлмасин, охордан тушган кийим каби қадр топмайди, одамлар юрагида акс садо бермайди.

Неча йилки, таҳририятимиз ҳузурида фаолият кўрсатаётган ёш мухбирлар университетини бошқараман. Ижодкорлар билан тўгарак доирасида қизғин мулоқотга киришамиз. Энг яхши ижод намуналари тўплам қилиниб, ҳомийлар ёрдамида нашр этилмоқда. Тўгарагимиз иштирокчиси Абдураҳмон Акбаров Усмон Носир номли нуфузли мукофотга лойиқ топилганлиги, ҳикоянавислар Улуғбек Мустафоқулов, Муроджон Ғазнабоевлар ўз мухлисларига эга бўлганлиги бизни ҳам беҳад қувонтиради.

Юқорида зикр этганимдек, бизнинг соҳада иқтидор ва фидойилик уйғунлашган ҳолдагина ишда унум бўлади. Шу маънода ҳамкасбларим, чорак асрдан буён қалам тебратиб келаётган Қўчқор Жумақулов, Рихсихон Абдуқаюмовалар билан фахрланаман. Уларнинг қўлида тарбия топган шогирдларнинг эса сонсаноғи йўқ.

Туриб-туриб завқим ошади. Ўттиз беш йилдан буён меҳнат кишиларини ардоқлаб келаман. Насиб-да, ўтган йили ўзим ҳам шундай ардоқдан олам-олам қувончга тўлдим: «Шуҳрат» медалига лойиқ топилдим. Ўша кун ҳаётимда энг бахтли сана сифатида умрбод хотирамда қолади.

Маҳбуба ЮСУПОВА,
Тошкент вилояти «Янгийўл» газетаси масъул котиби, «Шуҳрат» медали соҳибаси.

Ҳаётимизни газета ва журналлар, оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиийки, тўртинчи ҳокимият дея эътироф этилаётган соҳа кишилари олдига масъулиятли вазифалар қўйилган. Хўш, заҳматкаш журналистларимиз бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишмоқда? Бугунги касб байрами кунида кўнгилдан нималар кечяпти?

Қуйида айрим ҳамкасбларимизнинг фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилади.

ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Миродил АБДУРАҲМОНОВ,
«Мулкдор» газетаси бош муҳаррири:

— Журналистика машаққатли, беҳаловат касб. Қалам аҳли доимий изланишда бўлиши, ҳаёт билан қадам-бақадам яшаши, муҳим воқеаларни, ўзгаришларни аввалроқ англаши лозим. Республикамизда кўпдан-кўп газета ва журналлар чоп этилаётган бир шароитда соғлом рақобат нақадар кучайганлигини ҳам ҳар он ҳис қилиб турибмиз. Ҳар бир газетанинг ўз ўқувчиси бор. Фикримча, журналист қўлига қалам оларкан, ҳар бир соҳа вакилини инобатга олган ҳолда мақолани содда, равон тилда ёзишга эришиши керак. Ўзига хос услуб ҳар биримизда бўлиши жуда муҳим.

Ижодкор сифатида мени ўйлантирадигани — айрим газеталарнинг тиражи ҳаддан ташқари кам, яна қайсиларидир иқтисодий таназзулга юз тутган. Шу боис, баъзида мунтазам чоп этилмаётир. Гоҳо газеталар вилоятларга ўз вақтида етиб бормаётганлиги биз — журналистларни жиддий ўйлантирмоқда.

Фидокор, тиниб-тинчимас, заҳматкаш ҳамкасбларни касб байрами билан чин қалбдан табриклайман.

Маҳмуджон КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» газетасининг масъул котиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

— Одатда байрам баҳонасида ҳар бир ижодкор босиб ўтилган йўлга бир назар ташлайди. Чинданам, ҳар қанча қувонсак, шукрона қилсак, арзийди. Боиси, ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозиргидек юксак даражада қадрланмаган. Биз ҳурматли Президентимиз, халқимизнинг меҳр-муҳаббатини чуқур ҳис қилиб яшаяпмиз. Тўғри, масъулият ҳам ўн чандон ошган. Мен ҳақиқий журналистлар жамоасида ўсиб-улғайганлигим билан фахрланаман. 35 йилдан буён шу газетада фаолият юритяпман. Ўзбек журналистикасининг дарғалари ҳақида гап кетганда «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи бош муҳаррири марҳум Саъдулла Кароматовни эслаб ўтишни истардим. Ажойиб инсон бамисоли дарё эди. Газетачиликнинг ўзига хос сирларини яхши билар, ёшларни мақсад сари бирдек сафарбар этарди.

— Журналист сиёсатчи, иқтисодчи, яхши ташкилотчи бўлиши керак, - дея таъкидларди устоз. - Деярли ҳар куни машқ қилиб, таҳрир устида қаттиқ ишлаб, маҳоратни ошириш керак. Шундагина ишончни оқлаш мумкин.

Яхшиларга эргашиб, кам бўлмадик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист деган шарафли номга сазовор бўлганлигим катта иноқ жамоамизнинг кўп йиллик меҳнати маҳсулидир, албатта.

Норгул АБДУРАИМОВА,
«Инсон ва қонун» газетаси бўлим муҳаррири:

— Журналист кадрлар ҳақида кўп ўйлайман. Қайси бир бош муҳаррир билан фикрлашманг, қўлидан иш келадиган, талаб даражасидаги мақолалар ёза оладиган қаламкашлар етишмаётганидан нолишади. Бироқ, фикримча, қўл қовуштириб ўтирсак, янглишамиз. Ҳар бир газета жамоасининг ўз мактаби бўлиши керак. Ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатиш лозим. Ишимиз шу даражада нозик, шу даражада ўзига хоски, битта ажойиб мақола билан журналист эл назарига тушиши мумкин. Бироқ, ҳали айрим мақолаларнинг талабга жавоб бермаётганлиги, бир қолипдаги чиқишларнинг камаймаётганлиги ҳар биримизни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Суҳбатдош: М.ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

БИР МАҚОЛА ШАРОФАТИ

Мамлакатимизда мулкчиликка кенг йўл берилгач, қадрдонларим билан бирлашиб «Аланга» хусусий корхонасини очдик. Дастлабки кезлар кайфиятимиз чоғ эди. Ахир мустақиллик шарофати ила ҳақиқий мулкдор бўлдик. Жамоанинг ҳар бир аъзоси иқтисодиётни юксалтириш омилларидан унумли фойдаланиш пайида бўлди. Бу орада жамоа хўжалигига қарашли ғишт заводига турли техника ва прицеп сотиб олдим. Бир куни «Гулистон» ширкат хўжалиги раҳбарлари тракторлардан вақтинча фойдаланиб, кейин қайтариб берамиз дейишди-ю, сўзларининг устидан чиқишмади. Мушкул аҳволда қолдик. Ахир техникасиз иш юритиб бўлармиди?

Шундан сўнг ёрдам сўраб бормаган жойимиз қолмади. Анчайин вақт ўтса-да мушкулимиз осон бўлмади. Бошимиз қотган бир дамда яхшилар маслаҳатига амал қилиб «Ишонч»га хат йўлладим. Шикоятим асосида ўтган йилнинг 5 сентябр куни газетада «Кучлари тадбиркорга етибди» сарлавҳали ўткир танқидий мақола эълон қилинди. Шундан сўнг мушкулимиз осон бўлди. Тракторларимиз ўзимизга қайтди. Ўн нафар кишининг рўзғорига барака кирди.

Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, ҳақ-ҳуқуқимизни яхшироқ танишимизда севимли газетамиз саҳифаларида мунтазам чоп этиб келинаётган «Ҳуқуқий маслаҳатхона»ларнинг ҳам аҳамияти катта бўлаяпти. Салоҳияти кучли мутахассислар газетхонларнинг ҳар бир сўровларига биз — деҳқонларга тушунарли тилда йўл-йўриқ, тавсиялар беришмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Адолат эгилиши мумкин, аммо у асло синмайди. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда журналистларнинг ўрни алоҳидадир.

Х.МАТНАЗАРОВ, тадбиркор, Қўшкўпир тумани.

Таҳририятга мактуб

«ИШОНЧ» НАФАҚАМНИ УНДИРИБ БЕРДИ

Бундан бир неча йил аввал «Чирчиқкимёқурилиш»да ишлаб, меҳнат жараёнида бахтсиз ҳодиса сабабли ногирон бўлиб қолдим. Дастлабки пайтларда нафақа пулини ўз вақтида олиб турдим. Кейинги бир йилу икки ой ичида мени эсламай қўйишганидан ажабланиб ишлаган корхонамга бордим. У тугатилиб кетган, деб жавоб беришди. Меросхўр ташкилот бордир, десам елка қисишди. Тушундимки, улар менга ёрдам беришмоқчи эмас. Бўзчининг мокисидек Чирчиққа қатнайверишдан энди наф йўқлигини тушунгач одамларга маслаҳат солдим. Менинг аҳволимга ачинганлар бу муаммоли масалани ечишда «Ишонч» газетаси таҳририятига мурожаат этишимни тавсия қилишди.

Эртаси куни шикоят хати жўнатдим. Буни қарангки, орадан ўн кунча вақт ўтар-ўтмас таҳририятдан ўйимга қўнғироқ қилишиб, қонуний ҳақимни олган-олмаганлигимни суриштиришди. Мен куни-кеча 1 йил-у икки ойлик нафақамни корхона маъмуриятидан вакил олиб келиб берганини айтиб, газета ходимларига миннатдорчилик изҳор қилдим. Шу-шу бўлдию ҳар сафар нафақа пулимни олганимда одамлар суянчиғи — фидокор журналистлар кўз ўнгимдан ўтади.

Сизларни барчангизни касб байрами билан чин дилдан қутлаб, эзгу ишларингизда омад тилаб қоламан.

А.ИБРОҲИМОВ, меҳнат ногирони, Тошкент шаҳри.

БИЗ «ДАВР»ДАНМИЗ

Бугунги кунда телевидение ҳаётимиз мазмунига айланган. Ойнаи жаҳон орқали дунё ўзгаришлари, жамият ҳаётидаги туб бурилишлар, турли доирадаги ахборот, расмий хабарлардан қисқа вақтда воқиф бўламиз.

Айниқса, мустақиллик йилларида республика телерадиокомпанияси кўлами янада кенгайди. Янги телеканаллар, студиялар фаолият кўрсата бошлади. Хусусан, 1998 йилнинг 1 сентябрида «Ёшлар» телеканали билан бирга унинг «Давр» ахборот дастури ҳам иш бошлади. Дастлаб етти кишидан иборат бу жамоанинг эфир вақти ҳар куни 30 минутдан белгиланган эди. Кейинчалик эса, унинг жамоаси ҳам, эфир вақти ҳам, ижодий маҳсулотлари ҳам ортиб борди. Ҳозир «Давр» дирекциясида 105 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. «Ёшлар» телеканалидаги «Давр тонги», «Давр интервью», «Аср қиёфаси», «Футбол плюс», «Спорт ҳафтаномаси», «Оби ҳаёт», «Давр ҳафта ичида», «Давр плюс» каби кўрсатувлар «Давр» ижодкорларининг тинимсиз изланишлари маҳсулидир.

Шуни эътироф этиш жоиз, «Давр» ахборот дастури тобора шаклланиб бормоқда. У бугунги кун руҳи билан ижод қилаётир. Эндигина уч ёшга тўлган «Давр» ўз мухлисларига эга эканлиги таҳсинга лойиқ.

Суратда: «Давр» ижодкорлари — (чапдан) режиссёр Азизхон Набихонов, мухбир Тўлқин Пўлатов ва оператор Нодир Холматовлар навбатдаги кўрсатувни тайёрлаш чоғида.

М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

Матбуот — давр солномаси, жамият кўзгусидир. Шу боис ҳам барчамиз эрта тонгдан янги газета ва журналларни ўқишга, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлашга интиламиз.

ТУННИ ТОНГГА УЛАЁТГАНЛАР

Аммо мана шу босма маҳсулотларни қўлга олган пайтимизда уларнинг шундай бежирим ва кўркам ҳолга келгунича матбаа ходимлари кунни тунга, тунни оппоқ тонгларга улаб, машаққатли меҳнат қилишларини, нина билан қудуқ қазгандек сабр-тоқат, фидойилик кўрсатганларини кўпчилигимиз эсламаймиз ҳам. Чунки, бу касб эгаларининг имзоси газета саҳифаларида кўринмайди, аммо уларнинг фидокорона меҳнатларисиз иш битмайди ҳам. Шундай бўлсада, матбаачилар ягона мақсад — элга зиё тарқатишдек савобли ишга беминнат хизмат қилаверадилар. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газеталар чоп этиладиган босмахонасида бундай фидойи, ўз касбига садоқатлилар кўпчиликни ташкил қилади.

— Биз матбаачилар ҳамиша ўзимиз чоп этган газетани севиб ўқиётган муштарийларни кўрганда, бошимиз осмонга етади, чарчоқларимиз унутилиб, роҳат туямиз. Биз учун энг катта мукофот шу, - дейди тунги смена бошлиғи Раҳим Нурматов. - Қолаверса, истиқлол туфайли нашриётимиз қиёфаси ўзгарди, янги хорижий асбоб-ускуналар, замонавий компьютерлар келтирилди, барча қулайликлар яратилган лабораторияларга эга бўлдик.

Бугун минг-минг нусхадаги газеталарни тез ва сифатли чоп этадиган қудратли техника воситаларимиз борлигидан мамнунмиз. Бундан кейин ҳам ишимизни жаҳон андозаларига мос тарзда давом эттириш ниятидамиз.

Ҳа, газета бамисоли қурилажак янги бино. Журналистлар, ижодий жамоа унинг шакли-шамойили, ғоявий мазмунини бойитиб, қиёфасини белгилаб берса, матбаачилар қалб қўри, кўз нурини тўкиб, уни мукаммал яратишда асосий куч ҳисобланади.

Матбаачилар асосан тунда ишлашади. Ҳамма ширин уйқуда, дам олиб, халоват топаётган дамларда бу фидойи инсонлар ўз иш ўринларида меҳнат қилишади. Цехда бир маромда иш давом этади, компьютерларда бир-биридан зукко, ақлли, билимдон операторлар тез ва аниқ ишлашади, улкан машиналарда пешма-пеш газеталарнинг янги сони чоп этилади. Қудратли машиналар гувиллаб, уларни юқорига узатиб, автоматик тарзда алоҳида ўровларга ажратиб беради.

Оламни нурга тўлдириб тонг ёришганда матбуот ташувчи махсус транспортлар янги нашрларни тарқатиш учун йўлга ошиқади. Тандирдан узилган янги нондек азиз ва мўътабар нашрлар эса эл қалбини нурга тўлдиради. Бундай пайтда матбаачилар ўз касбидан мамнун ҳолда уйларига қайтишади.

А.ҚОДИРОВА.

Суратда: Тунги смена бошлиғи Раҳим Нурматов (ўртада) фидойи матбаачилар Ҳикмат Исломов ва Шеродил Саидов билан.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

ТАБИАТ ПОСБОНЛАРИ

1992 йилнинг 9 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. Ушбу қонун табиий муҳит шароитларини сақлаш, ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди.

Қонуннинг айрим моддаларига аниқлик киритиш ва уларни такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис томонидан «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Ер ости бойликларидан фойдаланиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Экология жиҳатидан экспертиза тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Уларнинг аксариятида экология талаблари ўз аксини топиб, улар асосида табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг бир қатор меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари тайёрланди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий Дастури»нинг 2-босқичи вилоят миқёсида ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Барқарор ривожланиш учун биологик хилма-хиллик заҳираларини сақлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 1995 йилда БМТнинг биологик хилма-хилликни сақлаш тўғрисидаги халқаро конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини қайта ташкил қилиш ва кенгайтиришга қаратилган. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш юзасидан жамоатчилик хабардорлигини ошириш, фаолларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Конвенцияга тўла ҳуқуқли аъзо бўлганимиздан кейин Глобал Экологик Фонд (ГЭФ) Қозоғистон, Ўзбекистон давлатларининг ғарбий Тян-Шань ҳудудларида жойлашган қўриқхоналари моддий-техника базасини яхшилади. Қўриқлаш ишлари, илмий ишлар савиясини кўтариш мақсадида 10 миллион АҚШ доллари таъсис этилиб, шундан Ўзбекистон учун 2,3 миллион доллар миқдорида грант ажратилди.

Бу борада қўмитамиз табиат посбонлари қўлларидан келган барча имкониятларни ишга солган ҳолда иш олиб боришяпти. Қўмитада компьютер ўқув маркази ташкил этилди. Замонавий техника сирларини ўрганиш, чет тилларда сўзлаша олиш, фикрни баён этиш кўникмаларини шакллантириб бориш курслари ишламоқда.

КОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

Бу борада ФДУ ва Политехника олийгоҳларининг малакали мутахассислари яқиндан кўмак бермоқдалар. Замон мутахассисларимизга чет мамлакатларда ўз йўналишлари бўйича малака ошириб қайтишга кенг йўл очиб берган. Бу йил қўмитамизнинг 4 нафар ходими АҚШ, Германия, Таиландда ўз йўналишлари бўйича экологик тизим амалиётларида, 6 ойлик курсларда билим савияларини ошириб қайтдилар.

К.САЛОҲИДДИНОВ,
Фарғона вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Қашқадарё вилоятида хизмат сафари билан юрар эканмиз, бир иш юзасидан Яккабоғ туман прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос Илҳом Холданов билан учрашиш зарурати туғилиб қолди. Идорасига бордик.

— Илҳом Лапасович ҳозир лицейда «Прокурор дарси»ни ўтяптилар, бирор соатлардан кейин келиб қолишлари керак, — дейишди ходимлари.

Иккиланмай ўша ёққа жўнадик, боиси иши бошидан ошиб ётган туман прокурининг лицейда дарс бериши ҳолларига ҳар куни ҳам дуч келавермайсиз...

Ҳали анча ёш, бироқ ҳуқуқшунослик пиллапоясида унча-мунча поғонани босиб қўйган туман прокурори бу сафар лицей ўқувчиларига диний экстремизм, ислом динига бутунлай ёт бўлган «Ҳизбут-таҳрир»нинг ёшлар онгини заҳарлашдек қабиҳ ишлари тўғрисида мисолларга таянган ҳолда дарс ўтаётган эди.

...Туман ҳуқуқ ҳимоячиси билан «Прокурор дарси» тугагач, бафуржа суҳбатлашдик.

— Илҳом Лапасович, лицейда мана шундай антиқа дарс ташкил этилишининг сабаби нимада ва унинг ташаббускорлари ким?

— Сабаби — давр, замон талаби, — жавоб берди суҳбатдошим, — ташаббускорлари эса прокуратура ходимлари.

Сўнг ўз фикрларини ривожлантириб, қуйидагиларни таъкидлади.

— Ҳаёт шиддат билан олға томон бормоқда. Аввалари ҳуқуқ илмини билиш тор доирадаги мутахассислар, асосан ҳуқуқшуносларнинг вазифаси, деган тушунча мавжуд эди. Ҳозир эса биз ҳуқуқий демократик давлат қураётирмиз. Бу фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхон бўлишини, ҳар бири ўзининг ва ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал билишини тақозо қилади.

Фуқароларимизни ҳуқуқ илми билан қуроллантириш ишларини кенг жабҳаларда олиб бораётирмиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу нарсани энг аввало ёшлардан бошлаш қўпроқ самара беради. Шу сабабдан туманнинг илм масканларида мазкур ишни йўлга қўйганмиз. Масалан, бугун сиз кўрган лицейда ҳафтасига икки маротаба «Прокурор дарси» олиб борилади. Машғулотларга лицейнинг 9-11 синф ўқувчилари жалб қилинган. Ушбу мақсадда битта синф хонаси ажратилиб, у ҳуқуқ ва қонунчиликка оид барча қўлланмалар, турли хил адабиётлар билан тўла жиҳозланди. Худди шу ернинг ўзида ўқувчилар давлат герби, мадҳияси, байроғи хусусида яхлит тушунчага эга бўладилар. Юқорида биз маориф тизимида олиб борилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтдик, холос. Лекин бу ишлар бутун туман миқёсида йўлга қўйилган.

Ҳуқуқий саводхон бўлайлик

ЛИЦЕЙДА «ПРОКУРОР ДАРСИ»



... Ҳа, туман прокурори ҳамда тезкор ходимлар аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга ўзларининг бош вазифаларидан бири сифатида қарамоқдалар. Бу ўринда улар ўз ишларини қай йўсинда тақсимлаб олганликларини айтиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмас. Туманнинг 30 минг аҳоли яшайдиган Яккабоғ қўрғони, шунингдек «Яккабоғ» боғдорчилик хўжалиги, Амир Темур номли ширкат хўжалиги, 3-механизациялашган кўчма жамланмада ҳуқуқий-тарғибот ишлари олиб боришни туман прокурори ўз зиммасига олган. Прокурор бу жойларда, асосан «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, диний экстремизм ва терроризмнинг асл башарасини очиб ташлаш ва бошқа мавзуларда маъруза қилади, суҳбатлар уюштиради.

Прокурор ўринбосари Маҳмасоат Жўраев туманнинг чекка ҳудудларида жойлашган хўжаликлар ва аҳоли пунктларида, ёрдамчиси Низом Хўжаев асосан ишлаб чиқариш, саноат корхоналарида, тезкор ходимлардан Отабек Бободўстов таълим муассасалари ва вояга етмаганлар орасида, терговчи Эргаш Паттоев эса маданият ташкилотларида ана шу ишларга жалб қилинганлар.

Ишнинг самараси кўп ҳолларда факт ва рақамларда яққол намоён бўлади. Сўнгги йилларда ариза ва шикоятлар сони, жиноят содир этиш ҳолатлари камайди.

Яна бир гап. Оммавий ахборот воситалари қудратли куч эканлигини яхши англаган яккабоғлик ҳуқуқшунослар маҳаллий газета, радио ҳамда вилоят телевидениеси орқали чиқишлар уюштиришни йўлга қўйганлар.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, — деди биз билан суҳбатда деҳқон-фермер хўжаликлари туман вакиллигининг раиси Д.Шовриқов, — эски замондан халқ орасида прокуратура ходимлари фақат қораловчилардир, деган тушунча қолиб келган. Бизнинг ҳуқуқшуносларимиз эса мутлақо ундай эмаслигини, прокуратура органлари ходимлари фуқароларнинг ҳимоячилари ва адолатни тикловчи касб эгалари эканликларини ўз амалий ва халқ орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари орқали яққол намойиш этаётирлар.

Қодиржон СОБИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Огоҳ бўлинг, фирибгар!

Олий ўқув юртларига тест синовлари асосида имтиҳонлар топшириш палласи ҳам тобора яқинлашмоқда. Ота-оналар «қимирлаб, жонланиб» қоладиган кунлар бўсағада. Бу табиий бир ҳол: ўз фарзандининг бир куни келиб диплом эгаси, замонасининг ўқимишли кишиси бўлиб етишишини қайси ота-она орзу қилмайди, дейсиз! Лекин бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлган фирибгарлар ҳам йўқ эмас экан.

СИЗ ФАРЗАНДИНГИЗГА ИШОНИНГ

у эса ўз билимига суянсин

Худди шу кунларга келиб айрим кимсаларнинг «фаолияти» ҳам жонланиб қолади. Улар антиқа «холис хизмат»ни гарданига олган шахслардир. Мазкур фирибгарлар у енгингиздан қандай кириб, бу енгингиздан қандай чиқиб кетганлигини ўзингиз ҳам билмай қоласиз баъзида.

— Ўғилчани (қизчани) фалон институтда ўқитмоқчимисиз, амаки? - ялтоқланади бу тоифадаги одамлар сизга дуч келиши биланоқ, — мана биз хизматда бўламиз. Ҳамма домлалар билан таниш-билишчиликни йўлга қўйганмиз. Харажатидан қочмасангиз бўлгани.

У ўқув юртининг нуфузига қараб, нархини белгилайди. Баъзи ота-оналар албатта бу нарсага тайёр турган бўлади.

— Менга ишонаверинг, амаки, - ваъда беради ҳалиги шахс, — мабодо фарзандингизни олиб киролмасам, берган нарсангизнинг ҳаммасини қайтараман. Керак бўлса, тилхат ҳам ёзиб беришим мумкин.

Ҳақиқатан, тилхатни ҳам ёзиб беради.

Аммо шуни яхши билингки, у мана шу мавсумда сиздан бошқа яна 10-15 та ота-онага ҳам «холис хизмат» кўрсатишни ўз гарданига олган. Сиздан қанча ундирган бўлса, ўшалардан ҳам шунча ундирган...

«Холис хизмат»га қўл урган лўттибознинг «ҳунари» эса мана бундай: у сиздан фарзандингизга оид барча маълумотларни олади. «Болангиз бемалол тест имтиҳонига кираверсин, бу ёғи гаплашиб қўйилган» дейди. Аммо... фарзандингиз учун қўлини қўлига ҳам урмайди. Сизга ўхшаб у кутади. Нимани дейсизми? Тест синови натижаларини. Фирибгарнинг ҳисоб-китоби жуда жўн. У устама «соққа»сини олиб қўйган болаларнинг 10 тадан 2-3 таси олий ўқув юртларига албатта киради. Фақат ўз кучлари билан... «Холис хизмат» эгасининг бу нарсага мутлақо даҳли йўқ. У энди «Ана, олиб кириб қўйдим» деб ҳалиги 2-3 та боланинг ота-онасидан олган пулларни бемалол, виждони қийналмай чўнтагига солиб қўяди. Ўқишга киролмаган болаларнинг ота-оналарига эса пулларини қайтариб беради.

— Қўлимиздан келмади, амаки, кечирасизу болангиз ўзи ниҳоятда бўш экан. Балки келгуси йили уриниб кўрамиз...

Ҳа, замон ўзгарган сайин қаллоблик ва маккорликнинг ҳам турлари кўпайиб бораётир. Юқорида сўзлаб берганларимиз - ўша янги усулларнинг «теша тегмаган»ларидан бири. Хушёр бўлинг, дўстим, тағин фирибгарга дуч келиб қолманг, унинг тўрига илинманг. Яхшиси фарзандингиз ўз кучини синаб кўрсин. Ана ўшанда ҳам ҳалол, ҳам бемалол бўлади.

Тоҳир БАРАТОВ.

Хоразм вилоят божхона бошқармасига қарашли «Фозовот» божхона маскани инспекторлари республикамиз чегара ҳудудларининг 42 километрлик қисмини назорат қилиб туришади. Улар жорий йилнинг 5 ойи мобайнида мамлакатимиздан четга ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилаётган, қиймати 2 миллион сўмлик турли хил молларни ушлаб қолдилар. Божхона маскани «Валюта аниқлагич», «Металл изловчи», «Нурланганликни аниқлаш» сингари замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги текширувларнинг ҳар жиҳатдан самарали бўлишини таъминлаётир.

Суратларда: божхона инспекторлари Саиджон Ваисов ҳамда Ҳусан Авазматовлар; вояга етмаганлар билан ишлаш нозири Фуат Зокиров (ўнгда) Фарғона вилоятининг «Ҳумо» болалар оромгоҳида олиб борилаётган тарбиявий ишларга яқиндан кўмаклашаётир.

Б.ЭРНАФАСОВ,
М.ҚОДИРОВ
олган суратлар.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Зиёдулла Пардаев Қумқўрғон туман халқ таълими соҳасида 40 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётир. Кейинги 10 йилда 49-умумтаълим мактабида директорлик қилмоқда. Лекин талабчан директорни кўролмаганлар унинг устидан унча-мунча бўҳтон уюштира бошладилар.

Бу нарса эса республика Халқ таълими вазирлиги «Умумий ўрта таълим» бош бошқармасининг бош назоратчи услубчиси Ҳ.Руломовнинг Қумқўрғонга етиб келишига сабаб бўлди. Назоратчи-услубчининг кўрсатмасига асосан мактаб директори ишдан бўшатилди...

З.Пардаевнинг бошига тушган адолатсизликка Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба қўмитаси мутасаддилари бефарқ қараб туролмадилар. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли бу иш туман судида муҳокама қилинди. Суд директорни ўз вазифасига тиклаш ҳақида қарор чиқарди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ҲАСАДГЎЙНИНГ ЗАҲАРЛИ НАЙЗАСИ

фельетон

Андижон шаҳрида асли қирғизистонлик Эргашали ака деган одам истиқомат қилади. Ёши етмиш бешда. Туғилган қишлоғидан ҳар йили бутун баҳор-ёз бўйи уникига саватда мева келиб туради.

— Хой ука, — дейди Эргашали ака ота ховлижойида яшаётган укасига, — Андижондаги марказий бозорнинг ёнгинасида тураман, биласан. Хоҳлаган мевани шу ердан арзон-гаровга сотиб олишим мумкин. Сенинг бир юртдан иккинчи юртга қанча вақт, меҳнат, пул сарфлаб, мева юборишинг шартми?

— Гапингиз тўғрику-я, — жавоб беради укаси, — лекин юбораётган мевалар ота-онамиздан қолган дарахтларнинг ҳосили-да. Бир ўзимнинг томоғимдан ўтмаса нима қилай...

Энди бу гапларни айтишдан муродга ўтамиз. Олтинкўл туманидаги Далварзин қишлоғида истиқомат қилувчи Шариф Солиҳўжаев ҳозир 50 ёшда. Лекин бирор ерда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Шу кунгача ўзи, хотини, улғайиб бораётган тўрт фарзанди нима ҳисобига тирикчилик ўтказиб келди — бир худога, бир ўзига аён.

Шу шаҳс баҳор кунларининг бирида 20 ёшли, ишламайдиган, уйланмаган тўнғич ўғли Муҳаммадсолиҳни четга тортиб, узоқ маслаҳатлашди:

— Шу... амакинг хусусий тадбиркорликдан катта фойда чиқариб, жуда бойиб бораяпти-да. Анча-мунча ғамлаб қўйган долларим бўлса керагов! Шуни... пайтини топиб, боссакми, деб турибман.

— Ўз туғишган акангизни айтяпсизми? Ёрдам қил десангиз, бермасмикан?

— Э, у қурумсоқдан яхшилик билан бирор нарса ундириб бўлармиди! Ҳар гал рўпара келганда сўрайман. «Қўл билан берганга қуш тўймас, ўзинг меҳнат қилиб пул топ» деб матал ўқийди.

... Уларнинг маслаҳати тонгга яқин «пишди». Эрталаб икковлон Андижон шаҳридаги 48-ўрта мактаб яқинига боришди. Жиян бўлмиш Абдуқодирнинг йўлини пойлашди. Абдуқодир соат ўн бирлардагина мактабдан китоб-дафтарларини қўлтиқлаб чиқиб келди.

— Бери кел! — ўз ўқувчи ўғилчаси Шукруллони чақирди Шариф, — ҳу анови қариндошинг Абдуқодирни алдаб-сулдаб бу ёққа бошлаб келгин.

— Унамаса-чи?

— Дадам сенга музқаймоқ олиб бермоқчи, деб айт.

Шукрулло Абдуқодирни бошлаб келиши билан мўлтони Шариф жиянини атайин бағрига босиб, кўз ёш тўкди, ота-онасининг тинч-омонлигини сўради. Болани биринчи синфда аъло баҳоларга ўқиётгани билан қутлади. Етти яшар жиянининг бурро-бурро жавобларидан ҳайратга тушиб, беҳад севинган бўлди, рангли музқаймоқ билан сийлади.

— Ҳозир бизникига борамиз. Уйдагилар сени жуда-жуда соғиниб қолишибди. Кейин таксига ўтқазиб, уйларингга элтиб қўяман.

— Дадам билан ойим хавотир бўладилар.

— Айтиб қўйганман уларга, майли дейишган.

Жаҳонда малъунлик, хоинлик, разиллик, макр-ҳийла сингари ёвуз иллатлар мавжудлигидан ҳали бехабар бўлган мурғак қалб эгаси ночор-ноилож рози бўлди. Ота-бола қўлга киритилган «ўлжа» билан бирга уйга яқинлашганларида Шариф ўғли Муҳаммадсолиҳга пичирлади:

— Сен шу ерда унинг қўлидан маҳкам ушлаб тур, мен уйдан хабар олай, бегона одам бўлмаса кираверамиз.

Бироқ дарвоза ёнида қизи пешвоз чиқиб, амакиси ўғли Абдуқодирни қидириб келганини, кутиб ўтирганини билдирди. «Уфф! — пешонасига урди Шариф, — ишнинг юришмагани шу-да! Мендан олдин етиб кепти-я! Қаёқдан билди экан?! Ҳамма режаларим расво бўлди! Энди мени тинч қўймайди акам! Эски қилмишларимниям ноғора қилиб, судга беради! Тонаман! Суюкли фарзандини олиб юрганимдан ҳам тонаман! Кўрганим йўқ дейман!»

Шариф Солиҳўжаевнинг ваҳимага тушганича бор эди: ака-укаларнинг муросаси кўпдан бери чиқишмас, уканинг юрагида акага нисбатан ғараз ва ҳасад ўти ёнар, юрагини доғларди. «Нега акам бойу, мен камбағал? Нега элмаҳаллада унинг обрў-эътибори баланд-у, менинки тубан? Нега у данғиллама ҳовли-жойда яшайди-ю, мен бировнинг уйида ижарада ўтираман?! Кўриниб турибдики, у ўз бахтсизлигидангина эмас, акасининг бахтиёрлигидан ҳам азобланарди.

Шариф бундан бир қанча муддат муқаддам тарози палласини ўзи томон бостириш ниятида бир куни акасиникига ўғриликка кирганди. 320 минг сўмни ўмариб чиқиб кетаётганида, кўриб қолишди. «Майли, ука, — деди Маҳмуджон Солиҳўжаев жигарига раҳми келиб, — пулга шу даражада зориқиб қолган бўлсанг, ярмини олу, ярмини қолдириб кет. Ўғрилик қилганингни кўчага чиқармайлик, қамалиб кетмагин».

Шу воқеанинг ўзиёқ унинг кўзини мошдай очиб, ақлини пешлаб қўйиши керак эди. Ундай бўлмади: чаён барибир чаёнлигини қиларкан. Қайтага акага нисбатан уканинг адовати янада кучайди. У бу гал бир ўқ билан икки қуённи уришни кўзлади: ҳам ўч олиш-у, ҳам пулга эга бўлиш. Шу мақсадда жиянини гаровга олиб, акасидан 3000 АҚШ доллари талаб қилишни ўйлаб қўйди. Шу разил мақсадни амалга ошириш учун у бугун ўз ўғлини ёнига олиб, жиноий гуруҳ тузганди. Бунга норасида ўғли Шукруллони ҳам жалб этди...

Улар Абдуқодирни уйга қамаб, додламаслиги учун уйқу доридан тез-тез укол қилиб туришмоқчи, акадан пул унгач, болани йўқ қилиб юборишмоқчи бўлишган эди.

Маҳмуд аканинг ўз куёви ва маҳалла фаоли билан бирга болалардан сўраб-суриштириб юриб, тўппа-тўғри уканинг уйига келиши жиноий гуруҳнинг бутун режаларини чиппакка чиқариб юборди. Шариф билан Муҳаммадсолиҳ шошилинч равишда жиноятнинг изини йўқотиш режасини тузадилар. Ота-бола Абдуқодирни яна алдов йўли билан қишлоқдан ташқарига — далага олиб ўтишди. Шариф тепаликка чиқиб пойлоқчилик қилиб турди, ўғил эса «бетингни ювиб қўяман» деб жиянини зовурга олиб тушди ва боланинг бошини закан сувига тиқди... «Уни бор кучим билан ўн дақиқагача сув остида босиб туришимга тўғри келди», — деди Муҳаммадсолиҳ кейинроқ суд жараёнида.

Улар ҳали совиб улгурмаган мурдани шу ернинг ўзидаёқ зовур ёнбағрига кўмиб ташладилар. Ваҳшиёна тарзда амалга оширилган бу мудҳиш фожиа Аллоҳни ҳам, инсоний иймонни ҳам, қонунни ҳам ғазабга келтирган бўлса керакки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, жиноят фош этилди. Суд ота-бола Солиҳўжаевларга энг оғир жазо белгилаганда, суд жараёнида иштирок этганлар буни адолатли ҳукм дея эътироф этишди. Ҳа, Маҳтумқули беҳуда ёзмаган экан:

Ҳасадгўйдан алҳазар,
минг алҳазар!
Эмас унинг дил
найзаси безаҳар!

Муҳаммаджон АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЁЗ ГАШТИ ЎЗГАЧА

Фасллар ичида ёзнинг гашти ўзгача. Бу даврда оромгоҳлар янада гўзаллашади. Сўлим гўшаларда бунёд этилган бундай масканларда дам олган киши руҳан тетиклашиб, саломатлиги мустаҳкамланади. Бу айниқса камолга етаётган ёш авлод учун жуда фойдалидир.

Фарғона вилояти касаба уюшмалари кенгашида ўқувчиларни ёзги дам олдириш мавсумига бу йил ҳам жиддий тайёргарлик кўрилди. Айни пайтда вилоятдаги 34 та болалар оромгоҳи намунали фаолият кўрсатаяпти. Жумладан, Фарғона механика заводига қарашли «Хумо» дам олиш масканида ўғил-қизлар кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Дов-дарахтлар, анвойи гуллар, мусаффо ҳаво, зилол сув ҳар бир кишини мафтун этади. Уюштирилаётган тадбирлар, учрашувлар, тайёрланаётган мазали таомлар уларга манзур бўлмоқда. Кунларнинг мазмунли ўтаётгани 280 нафар ўғил-қизнинг хурсанд чеҳрасидан билиниб турибди.

Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

М.ҚОДИРОВ, олган суратлар.



НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

2002 йилда Жанубий Корея ва Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати финал қисмига чиқиш учун Осиё минтақаси саралаш беллашувларининг иккинчи босқичига йўлланма олган терма жамоалар тайёргарлик машғулотларини давом эттирмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси раҳбарияти навбатдаги расмий ўйинларга тайёргарлик жараёнига, асосан, миллий биринчилигимизда тўп сураётган истеъдодли футболчиларни жалб этган. Клублар футболчиларидан ташкил топган терма жамоамиз мазкур тайёргарлик доирасида Малайзияда «Мердека» кубоги баҳсларида муваффақиятли иштирок этяпти.

Ўзбекистон футбол федерацияси берган маълумотга қараганда, илк учрашувда таиландлик футболчиларни 1:0 ҳисобда мағлубиятга учратган терма жамоамиз навбатдаги ўйинни 24 июн куни Малайзия олимпия терма жамоасига қарши ўтказди. Ўйин 2:0 ҳисобида юртдошларимиз фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни А.Власичев ва Б.Саидкамолов киритди. Энди футболчиларимиз гурухдаги навбатдаги ўйинни Ҳиндистон терма жамоасига қарши ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Футбол

Тошкент вилоятининг Кибрай спорт мажмуида Жўра ака Хонназаров хотирасига бағишланган фахрийлар ўртасида футбол турнирининг финал учрашуви бўлиб ўтди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

- Халқимизда яхшидан боғ қолар, деган мақол бор, - дейди мусобақа бош ҳаками, Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳакамлар қўмитаси раиси Ахбор Имомхўжаев. - Жўра Хонназаров эса ўзидан Тошкент вилоятида тўртта ажойиб стадион қолдирди. У қаерда ишламасин, футболга бўлган улкан муҳаббати сабабли доимо катталар ва болаларнинг футбол билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиши учун қайғуриб келган.

Футбол фахрийлари уни хотирлаб, ўзларининг биринчи турнирини ўтказишди. Бундан буён ушбу турнир анъанага айланиб, ҳар йили бўлиб ўтади.

Турнирнинг ярим финал босқичида тўртта энг кучли жамоа ўзаро беллашди. Самарқандлик футболчилар наманганликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, фарғоналиклар навоийлик фахрийларни 1:0 ҳисобида енгди. Учинчи ўрин учун бўлиб ўтган баҳсда наманганлик ва навоийлик футболчилар майдонга тушди ва ўйин 1:0 ҳисобида наманганликлар фойдасига ҳал бўлди.

Финалда Самарқанд ва Фарғона вилоятлари вакиллари куч синашди. Қизиқарли ва кескин ўтган учрашувда самарқандлик Вадим Романов ягона ва ҳал қилувчи тўпни рақиблар дарвозасига йўллаб, жамоадошларига ғалабани қўлга киритишда ёрдам берди.

Футбол мухлислари фахрийлар ўйинини томоша қилиб, маҳорат йиллар ўтиб ҳам ўз кучини йўқотмаслигига ишонч ҳосил қилишди. Фахрийлар аниқ тўп узатишлар, чиройли комбинациялар намойиш этиб, ўз мухлисларини хушнуд этди. Шундай қилиб, самарқандликлар турнир ғолиби бўлишди. Фарғоналикларга эса иккинчи ўрин насиб этди.

Юқори савияда ташкил этилган ушбу турнир фахрийлар ва томошабинлар хотирасида узоқ сақланиб қолади. Ғолиблар дастхати ёзилган футбол тўпи Жўра Хонназаровнинг акаси Қўчқор Хонназаров ва ўғли Баҳодир Хонназаровга тақдим этилди. Барча жамоаларга махсус совғалар топширилди.

(ЎзА)

Илҳом

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Эй она диёрим, нурафшон ўлкам,
Озод ва мустақил, фаровон ўлкам.
Истиқболи ойдин, чароғон ўлкам,
Бойликка конимсан, Ўзбекистоним,
Обод бўстонимсан — Ўзбекистоним.

Мадҳинг куйламоққа жазм айладим,
Ифтихор туйғумни назм айладим.
Буюклик шаънингга таъзим айладим,
Томирда қонимсан, Ўзбекистоним,
Фахрим, имонимсан — Ўзбекистоним.

Сен борсан, фаровон ҳаёт боқийдир,
Соғлом ва баркамол авлод боқийдир.
Шуҳратинг гуллари абад боқийдир,
Шарафим — шонимсан, Ўзбекистоним,
Вужудим, жонимсан — Ўзбекистоним.

То ҳаёт бор экан, ғаним ҳам бўлур,
Ёвларнинг оқибат боши хам бўлур.
Адолат, ҳақиқат мустаҳкам бўлур,
Пўлат қалқонимсан, Ўзбекистоним,
Жаннат маконимсан — Ўзбекистоним.

Тарихинг неча минг асрларга тенг,
Қалбинг, саховатинг уммон каби кенг.
Жаҳон чеҳрасида жамолингдир менг,
Буюк Туронимсан, Ўзбекистоним,
Нурли жаҳонимсан — Ўзбекистоним.

Муборак бўлғуси мустақил ёшинг,
Абадий порлагай бахтинг — қуёшинг.
Чунки раҳнамодир азиз Юртбошинг,
Тахти равонимсан, Ўзбекистоним,
Бахти арконимсан — Ўзбекистоним.

Соип МУҲАМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

КУРАШИМИЗ НУФУЗИ ОРТМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида Осиё кураш конфедерацияси ҳамда Ҳиндистон кураш федерациясининг Президенти Жагдиш Татлер билан журналистлар учрашуви ўтказилди. Матбуот анжуманида журналистлар Конфедерация фаолиятига доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

— Яқиндагина ўтказилган биринчи Осиё чемпионатининг ҳаяжонли дамлари ҳали ҳам ёдимиздан кўтарилгани йўқ, - деди жаноб Жагдиш Татлер «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ўзбек курашининг жаҳон миқёсига кўтарилиши барчамизнинг кўнглимизга ғурур бағишламоқда. Эсингизда бўлса, биринчи чемпионатдан сўнг, Конфедерация ижроия қўмитасининг йиғилишида Халқаро кураш ассоциациясининг рухсати билан келаси йили Осиёнинг 2-чемпионати Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказилиши келишиб олинган эди. Ҳозир мен ушбу чемпионатга тайёргарлик ишларини олиб боряпман. Бундан ташқари, қатор Осиё давлатларида ҳам кураш федерациясини ташкил этяпман. Осиёнинг 2-чемпионатида иштирок этувчи мамлакатлар сонининг яна ҳам ошиши ўзбек курашининг осиёликлар қалбига яқин эканлигидан дарак беради.

СЎРОВ ХАТЛАРИ АСОСИДА

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини ўнлаб бакалавр ва магистрлар битириш арафасида турибди. Уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш тадбирлари ҳам кўрилди.

Шу муносабат билан олий ўқув юрти битирувчи бакалавр ва магистрларнинг анъанавий тақдимот маросими ўтказилди. Унда «Ўзенгилсаноат», «Ўзбек ипаги», «Ўзбекчармпойабзал» каби уюшмалар вакиллари иштирок этдилар.

Олий ўқув юрти ўз кадрларини ана шу корхоналарга ишга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, битирувчи бакалавр ва магистрлар банклар, солиқ идоралари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларда ишлаш учун йўлланма олдилар.

М.НИЁЗОВ.

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

Тарихдан маълумки, ҳар қандай оламшумул ғоя дастлаб алоҳида бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Ўз навбатида у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятининг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний меросга айланади. Ана шундай юксак қадриятларни ўзида акс эттирган ғоялар тизимига, шубҳасиз,«Авесто» битикларини ҳам киритишимиз мумкин.

ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК МАФКУРАСИ

Яқинда «Чўлпон» нашриётида файласуф Тоҳир Каримнинг «Авесто» изидан номли илмий-адабий қиссаси чоп этилди. Мазкур китобда муаллиф «Авесто» ўз даврида жамиятнинг мафкураси сифатида шаклланган, деган фикрни изчил ҳимоя қилиб чиқади. Яъни, китобда ёзилишича, эрамиздан олдинги VIII-VII асрларда Қуйи ва Ўрта Амударё ҳавзаларида «Катта Хоразм давлати» номи билан машҳур бўлган Арйошайона мамлакатининг инқирози кучайган бир пайтда Зардушт мамлакат барқарорлигини сақлаш мақсадида ўз таълимотини олдинга сурган. Унда биринчидан, келгинди Арйа (орий) халқлари билан маҳаллий халқларнинг манфаатлари муштараклиги назарда тутилади. Иккинчидан, ушбу таълимотнинг мамлакат ташқарисидаги кўпхудоликка асосланган қабилаларга қарши курашишга қодир куч — мамлакат фуқароларининг жипслигини таъминлаш, жамият аъзолари — барча фуқароларнинг умумий манфаатларига бирдай мос тушадиган якка худоликни тарғиб қилиш мақсади ҳам бўлган. Айниқса Зардушт томонидан илгари сурилган бутун оламнинг (мавжудликнинг) асосида қарама-қарши томонларнинг ўзаро кураши ётиши, дунё икки қудратнинг кураш майдони сифатида тасаввур қилиниши инсоният тафаккурига шундай қурол бердики, бу қурол ёрдамида одамзот ўз фаолият йўналишларини белгилаб олиш имконини топди. Эзгулик билан қабоҳат, ёруғлик билан зулмат ўртасидаги кураш моддий оламнинг барча кўринишларида, шу жумладан, инсоннинг ички дунёсида ҳам узлуксиз давом этиши тўғрисидаги ғоялар кейинчалик инсониятнинг ўлчов тарозусига айланди.

Асарни варақлаб гоҳ Искандарнинг ўнлаб янги шаҳарларнинг бунёдкори, гоҳо энг муқаддас китобнинг охирги нусхасини ҳам ёқиб юборишга шай бўлиб турган жоҳил ҳукмдор сифатидаги образи ёки Хоразмшоҳ Фаразмон Ворукаш денгизининг шимолидаги халқларни босиб олиш учун Искандарга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр ҳукмдор қиёфасида ва шу билан бирга эзтиқоди, муқаддас китобни сақлаб қолиш учун тахтидан ҳам, бахтидан ҳам воз кечишга ҳатто ўлимига рози бўлган ҳукмдор қиёфасида кўз олдимизда гавдаланади.

Китобда ўқувчи илгари ҳеч бир манбада учратмаган, лекин хоразмликларнинг тасаввурларида ҳали ҳам сақланиб қолган «Қандарға» афсонаси ёки Парҳат образининг ўзига хос талқинини топа олади.

«Авесто»да аждодларимиз дунёдаги энг қадимги ва қудратли инсонлар сифатида тилга олинади. Зардушт таълимоти одамзотнинг ер юзида фаровон яшашига, инсон манфаатларига алоҳида аҳамият беради, тириклик тамойилларига чуқур эҳтиром кўрсатади.

«Авесто» ўгитлари учта муҳим асосга — эзгу ниятга, эзгу фикрга, эзгу амалларга, шунингдек, адолат ва ҳақиқатга таянган.

Асарда ўз даврининг маънавий-ахлоқий муаммолари билан боғлиқ ғоялар ҳам илгари сурилади. «Авесто» таълимотича, ёш авлод фақат жисмонан бақувват бўлиши етарли эмас, улар маърифатли, маънавий баркамол, меҳнатсевар, мурувватли бўлишлари керак. Бу эса ўз навбатида бугун авлодларимизда кўришни орзу қилаётганимиз комил инсонийлик сифатларининг ўзидир.

«Авесто» табиат мусаффолиги, инсон саломатлигини ҳам ўз даврида юксак қадриятлар даражасига кўтарган. Инсон ҳаво, сув ва заминнинг поклигини таъминлаши, табиатни асраб-авайлаши, ўзини доимо озода тутиши лозимлиги таъкидланган. Унда буларнинг барчаси шунчаки ахлоқий тамойиллар эмас, балки Ватан, она замин тақдирини ҳал этувчи ноёб заруриятлар сифатида талқин этилади. Инсон юқоридаги сифатларга эга, яъни эзгу ниятли, эзгу фикрли ва эзгу амалларга мойил бўлса, у Ватанни оламдаги энг обод ва фаровон мамлакатга айлантира олади. «Авесто»нинг бу даъвати — илк давлатчилигимиз ғояси ва мафкураси эди.

Файласуф - олим Тоҳир Карим жаҳоннинг қадимий тамаддун марказларидан бири ҳисобланган кўҳна Хоразмда рўй берган воқеалар асосида кам ўрганилган тарихимиз саҳифаларини ёритиш билан бирга миллий давлатчилигимиз мафкурасининг илк илдизлари «Авесто»га бориб тақалганлигини илмий асослаб беради. Бизнингча, бу ёшларимизни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

М.ЖАКБАРОВ, фалсафа фанлари номзоди.

Ўлкамизни ўрганамиз

Бундан 125 йил муқаддам Тошкентда республика табиат музейига асос солинган, мамлакатимиздаги тўнгич музейлардан бири ҳисобланган бу даргоҳ фан ва маърифий маскан сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди.

МУЎЖИЗАЛАР ОЛАМИНИНГ ЖОНЛИ КЎЗГУСИ

У 1935 йилда пойтахтимиздаги Сағбон кўчасида қад кўтарган бинога кўчиб ўтди. Эндиликда тубдан таъмирланган ва қайтадан жиҳозланган табиат музейи Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг илмий-маърифий муассасаларидан бирига айланган.

— XX асрнинг йигирманчи йилларидаёқ кўплаб экспонатлар тўпланган эди. Бунда, айниқса, Ғарбий Тяньшанга уюштирилган экспедициялар муҳим аҳамият касб этди, - дейди музей раҳбари Эргаш Исломов. - Ўттизинчи йилларга келиб мавжуд геологик, зоологик, ботаник ва антропологик бўлимлар экспонатлари анча кўпайди. Геология ва умумий геология тарихига доир бўлим очилиб, уни шу соҳа экспонатлари билан қуроллантириш ишлари олиб борилди.

Мактаб-методик коллекциясининг ташкил топиши музейнинг маънавий ва маърифий фаолиятини кенг йўлга қўйиш имконини берди. Қизилқум чўллари, Фарғона водийси, Олой ва Ҳисор тоғларига қилинган экспедициялар музей фондини янги экспонатлар билан бойитди.

Ўлкамизнинг ўсимликлар дунёси, табиат бойликларидан халқ хўжалигида фойдаланишга доир илмий-кузатиш ишлари жонланиб кетди. Бу эса умумий биология, минерология ҳамда фойдали қазилмалар ҳақида ҳикоя қилувчи томоша залларини бойитишга шароит яратди.

Музейга кираверишда «Қуёш тизими» деб номланган электрлаштирилган механик стенд кўзга ташланади. «Ернинг ички тузилиши» стенди макети ҳам эътиборга молик. Музей кутубхонада эса 1906 йилда Штутгарт шаҳрида чоп этилган «Капалаклар атласи», 1903 йилда босмадан чиққан икки томли «Халқшунослик» каби нодир ва тарихий нашрлар билан ҳам танишиш мумкин.

Музей айниқса, мустақиллик йилларида кўплаб ноёб коллекциялар билан бойиди. Бугунги кунда унинг тўртта бўлимида 400 минг нусхадан ортиқ турли экспонатлар намойиш қилинмоқда. Томошабинлар 11 мингта гербарий, зоология ва геологияга доир қизиқарли материаллар билан танишишлари мумкин. Музей фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар эса томошабинларга, хусусан, мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари учун табиат тўғрисидаги бой ўқув материаллари бўлиб хизмат қилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммуналмаиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси «Ўзбек қоғози» ҲЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Маъруф Одиловга отаси **ОРИФ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани 19-ўрта мактаб томонидан Эсанов Рустам Мардонович номига берилган №363348 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Бухоро шаҳар 23-сон ҳунар-билим юрти томонидан Эсанов Рустам Мардонович номига берилган №033561 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 22.00 Топширилди 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6